

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУХОФАЗА
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

67 **Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш
режаларини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисидаги ни-
зомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2325*

(2012 йил 16 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 1-сон, 1-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш режаларини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис

Н. УМАРОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 5 январь,
3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Табиатни муҳофаза қилиш давлат
қўмитасининг 2012 йил 5 январдаги
3-сонли қарорига
ИЛОВА

**Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш
режаларини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 1-сон, 1-модда) мувофиқ, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни (кейинги ўринларда МЭТХ) бошқариш режаларини ишлаб чиқиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ, МЭТХни бошқариш режалари табиий объектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича барча ташкилий, табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги, техникавий ва бошқа тадбирлардан иборат.

2. МЭТХни бошқариш режаси мазкур Низом иловасида келтирилган шаклга мувофиқ тузилади ва тасарруфида МЭТХ бўлган давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларда, унинг нусхаси эса — тегишли Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида сақланади.

3. Тасарруфида МЭТХ бўлган давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар ҳар бир шундай ҳудуд бўйича мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда бошқариш режасини тузадилар.

II. Бошқариш режасининг мазмуни

4. Иловага мувофиқ МЭТХни бошқариш режаси қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:

- а) кириш қисми;
- б) МЭТХни тавсифи;
- в) МЭТХни баҳолаш;
- г) МЭТХни бошқариш стратегияси;
- д) тезкор режа;
- е) иловалар.

Бошқариш режасини тузишда қуйидагилар инобатга олиниши лозим: ўтган беш йил давр учун табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг ўзгариши таҳлили;

ўтган беш йил даврдаги МЭТХ фаолиятини баҳолаш таҳлили;

МЭТХнинг ҳар бир турида табиат муҳофазаси, экологик-маърифий, илмий, туристик, рекреацион ҳамда чекланган хўжалик фаолияти бўйича кейинги беш йиллик давр учун амалга ошириладиган тадбирлар;

давлат ўрмон фонди ерларида ташкил қилинган МЭТХлар учун, ўтган беш йиллик даврда ўрмон хўжалигини юритиш ҳамда ўрмондан фойдаланишнинг комплекс баҳолаш ва кейинги беш йиллик давр учун ушбу ўрмон участкаларини муҳофаза этиш, ҳимоя қилиш, қайта тиклаш ҳамда парваришlash бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш тўғрисидаги бўлим;

бошқариш тузилмаси, норматив-ҳуқуқий базаси, кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро алоқаларни такомиллаштириш йўли билан амалга ошириш бўйича механизмлар.

5. Бошқариш режасининг мазмуни МЭТХ тоифаси, тартиби (режими), мақсади ва вазифаларига боғлиқ бўлади (қонун ҳужжатлари билан тартиб-

га солинадиган сувни муҳофаза қилиш ҳамда ер ости чучук сувлари шаклланадиган худудларни бошқариш тартиби бундан мустасно).

III. Бошқариш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

6. Бошқариш режасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ҳамда маҳаллий давлат хокимияти органлари амалий ёрдам берадилар.

7. Бошқариш режаси тасарруфида МЭТХ бўлган давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар маблағлари ҳисобига ҳамда ҳомийлар маблағларини жалб қилган ҳолда беш йиллик муддатга ишлаб чиқилади.

8. МЭТХ бошқариш режалари тасарруфида МЭТХ бўлган давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тасдиқланади. Муҳофаза этиладиган табиий худудларни бошқариш режаларининг лойиҳалари давлат экология экспертизасидан ўтказилиши керак.

9. МЭТХни бошқариш режаси янгиланганда, МЭТХни аввалги бошқариш режаси йўқ қилинмайди. Бунда МЭТХни янгиланган бошқариш режаси мазкур Низомнинг 2-бандига мувофиқ сақланади.

МЭТХнинг фаолият кўрсатиши тўхтатилганда, МЭТХнинг барча режалари МЭТХ фаолиятига масъул бўлган ташкилотларнинг архивига топширилиши лозим.

IV. Яқуний қоидалар

10. МЭТХни бошқариш режаси МЭТХни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат назоратини олиб борувчи давлат органларига тақдим этилиши мажбурийдир.

11. МЭТХни бошқариш режасига киритилган маълумотларнинг ҳақиқийлигига, шунингдек унинг ўз вақтида янгиланиши учун жавобгарлик тасарруфида МЭТХ бўлган давлат идоралари, юридик ва жисмоний шахслар зиммасига юкланади.

12. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Угам-Чотқол давлат миллий табиат боғи бошқармаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги ҳузуридаги
Ўрмон хўжалиги Бош
бошқармаси бошлиғи*

С. ЭРГАШЕВ

2011 йил 26 декабрь

*Геология ва минерал ресурслар
давлат қўмитаси раиси в. б.*

И. ТУРАМУРАТОВ

2011 йил 27 декабрь

*Угам-Чотқол давлат миллий
табиат боғи Бош директори*

А. АБДУЖАМИЛОВ

2011 йил 28 декабрь

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

З. РЎЗИЕВ

2011 йил 29 декабрь

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни
бошқариш режаларини ишлаб чиқиш
тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида муҳофаза этиладиган табиий
ҳудудларни бошқариш режасининг
ШАКЛИ**

А. КИРИШ
<ul style="list-style-type: none"> • Титул варағи (бошқарув органи, МЭТХ номи, тайёрланиш санаси, бошқариш режаси (БР) нинг амал қилиш муддати) • Муқаддима • Тайёрлашда иштирок этган шахслар ва томонлар • БРни ишлаб чиқиш жараёнида қўлланилган адабиёт, архив, бошланғич услубий ва меъёрий материалларнинг характери, изҳорлар, миннатдорчиликлар • Мазмун жадвали • Фойдаланилган қисқартиришлар • Қисқача маълумот (резюме)
Б. МЭТХ ТАВСИФИ
<p>Б 1. Асосий маълумотлар</p> <p>Б1.1. Жойлашган ер тавсифи</p> <p><i>МЭТХ ҳудуди ва қўриқлаш зонасининг маъмурий тааллуқлиги. Ҳудуднинг майдони. МЭТХнинг йирик табиий-географик тузилмалар ва бирликларга (тизмаларга, платоларга) тааллуқлиги. МЭТХнинг географик ҳамда маъмурий тааллуқлигини акс эттирадиган харита, МЭТХнинг юридик манзили, шунингдек, боғланиш учун зарур алоқалар келтирилади.</i></p>

Худуд харитаси, географик координатлар (узоқлиги ва кенлиги)ни киритиш лозим.

Б 1.2. Бошқарув учун ҳуқуқий ва маъмурий тузилма

Хронологик тартибда тегишли қарорлар, саналар, қўшиб олинган ёки ажратиб ташиланган участкаларнинг номлари, майдонлари тавсифланади.

МЭТХнинг замонавий мақоми, зарур ҳолларда унинг яқин истиқболлари тавсифланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ва ҳокимият раҳбарлари ҳуқуқларини белгилайдиган қонунлар, низомлар ва қарорлар. Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи. Миллий ва халқаро белгилаган мақсадлар.

Б 1.3. Мақсад ва вазифалар

МЭТХни, унинг мақоми ва ҳақиқий имкониятларига йўналтирилган ҳолда, асосий вазифаларини бажаришига мўлжалланган, шу жумладан, универсал аҳамиятли жорий мақсадлари ва вазифалари келтирилади.

Б 1.4. Мавжуд бошқариш дастурлари

Авалги ва амалдаги Бошқарув режалари келтирилади. Мавжуд режада фойдаланилган материаллар, уларнинг замонавийлиги ва долзарблиги.

Шунингдек, истиқболли, йиллик ва жорий режалар, фаолиятни амалга оширишнинг асосий йўналишлари, дастур ва жадваллари, улар бажарилишининг муваффақиятлилиги, унга тўсқинлик қилувчи омиллар ва камчиликлар.

Б 1.5. Харита, сунъий ер йўлдоши (спутник) дан олинган ва бошқа фотосуратлар

Мавжуд хариталар, ГАТ(ГИС) геоинформацион тасвирлари ва сунъий ер йўлдошидан олинган тасвирлар санаб ўтилади.

Б 2. Физикавий –географик ва экологик тавсифи

Худуднинг муҳим физикавий характеристикалари, флора (ўсимлик дунёси) ва фаунасининг (ҳайвонот дунёси) тавсифи, популяциялар (кўпайиш) кўлами, бошқа экологик аҳамиятли хусусият ва жараёнлар келтирилади. Зарур ҳолларда ноёб ва эндемик таксонлар турларининг мавжудлиги қайд этилган бўлиши билан бир қаторда уларнинг рўйхати келтирилиши лозим. Шунингдек, мавжуд табиий ресурслар ҳажмини кўрсатиш зарур.

Б2.1. Рельефи/геологияси/гидрологияси/тупроғи/иқлими

Б2.2. Биологик хилма-хиллик: биогеография, флораси ва фаунаси

Б2.3. Экотизимлар/ландшафтлар

Б 3. Мерос объектлари

Б 3.1. Табиий мерос объектлари

Худуднинг ноёб ландшафтлар, экотизимлар, жамоалар, флора ва фаунанинг алоҳида аҳамиятли вакиллари тўпланган жой сифатида қиймати очиб берилди. Худуд эндемик турлар тўплами ёки бошқа ноёб табиий ажойиботларни ўз ичига олиши мумкин.

Б 3.2. Тарихий ва маданий мерос объектлари

Даврлар ва маданиятлар алмашинуви ҳақида тарихий маълумотлар, аҳолининг ўтмиши ва замонавий ҳаёт тарзи, урф-одатларида, МЭТХда ёки унинг ён-атрофларида жойлашган тарихий ва маданий мерос обидалари ҳақидаги маълумотлар келтирилади, бундай маълумотлар ахборот ва билим даражасини ошириш учун аҳамиятлидир.

Б 4. Илмий-тадқиқотлар тарихи

МЭТХда амалга оширилган тадқиқотларнинг асосий йўналишлари бўйича тарихий маълумотлар, шунингдек уларнинг тизимлилиги ва изчиллиги ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Б 5. Бошқариш ва назорат

МЭТХнинг давлат бошқаруви тизими акс эттирилади: унинг турли давлат ва маъмурий бошқарув даражалардаги бўйсунлиши, фаолиятини мувофиқлаштириш ва қарорлар қабул қилиши.

Б 5.1. МЭТХ режими

МЭТХнинг мақомидан келиб чиққан ҳолда, ўрнатилган режими тўғрисидаги маълумот келтирилади. Нима тақиқланган, нимага рухсат этилган.

Б 5.2. МЭТХни бошқариш

Ходимларнинг штат тузилмаси: асосий бўлимлар ва бўлинмалар, улардаги ходимлар сони ва тўлиқлиги, функционал вазифалари, ўзаро ҳаракатлар чизмаси.

Б 5.3. Мулк ва ҳуқуқлари

МЭТХнинг асосий мулкчилик топчилари (умумдавлат/минтақавий, хусусий/жамоат, нодавлат) кўрсатилади. Мулкдорлар, мулк тури, умумий майдони, мулкнинг сотиб олинган санаси, қонуний ҳуқуқлари, бошқарув ва келишув соҳасидаги мавжуд сиёсат келтирилади.

Б 6. Ресурсларни бошқариш**Б 6.1. Инфратузилма ва ривожлантириш**

Ижтимоий ва жамоатчилик инфратузилмаси (йўллар, мактаблар, тиббий идоралар хоналари ва асбоб-ускуналари, сув ва электр энергиясини узатиш, алоқа воситалари ва ҳоказо) санаб ўтилади. Муҳим саноат ва тижорат инфратузилмалари (тўғонлар, заводлар ва ҳоказо) санаб ўтилади.

Б 6.2. МЭТХнинг моддий-техник базаси

Асбоб-ускуналар, транспорт ва алоқа воситалари, формалар, қуроллар ва бошқаларнинг мавжудлиги ва ҳолати акс эттирилади.

Б 6.3. Жамғармаларни сақлаш

Илмий коллекцияларнинг мавжудлиги ва ҳолати, уларни сақлаш шароитлари қайд этилади. Бундан ташқари иш юритилиши, архивнинг мавжудлиги ва ҳолати акс эттирилади.

Б 6.4. Ердан фойдаланиш ва ижтимоий-иқтисодий фаолият

Ресурслардан (ер, сув, биологик) асосий ва қўшимча фойдаланиш тавсифланади.

Б 6.5. Маҳаллий жамоалар ва аҳоли

МЭТХ ёки унинг алоҳида участкаларининг маъмурий мансублиги (майдонлар кўрсатилган ҳолда), туташи аҳоли пунктларининг номлари, аҳолининг сони ва зичлиги, уларнинг МЭТХга таъсири, аҳолининг этник таркиби ва демографик тенденциялар, бандлиги ва уларнинг асосий фаолият турлари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек МЭТХ атрофидаги вазиятга умумий баҳо беришга кўмаклашадиган бошқа маълумотлар келтирилади.

Б 6.6. Дам олиш ва туризм

Муҳофаза қилинадиган ва унга туташи ҳудудларнинг туристик ва рекреацион салоҳияти тавсифланади. Келиб-кетишлар ва туристик ҳамда рекреацион фаолиятнинг турлари келтирилади.

Б 6.7. Ахборот, хабардорлик, таълим

Аҳоли билан экологик маърифий ва таълимий ишларининг ҳолати, аҳоли хабардорлигини оширишга масъул инфратузилманинг мавжудлиги ва ривожланганлиги. Мавжуд муаммолар ва тўлақонли имкониятлар.

Б 6.8. Ривожлантириш ташаббуслари

Табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган лойиҳа/дастурларни амалга оширишга ва қўриқхона салоҳиятини кучайтиришга йўналтирилган аввалги, жорий ва кутилаётган ҳомийлик/грант ёрдамлари.

В. МЭТҲни БАҲОЛАШ
<p>В 1. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг қимматли объектлари <i>Ушбу ҳудудга хос бўлган энг қимматли ва ноёб хусусиятлар аниқланади. Биологик хилма-хиллик (дастлабки ёввойи нухасига яқинлиги билан)нинг юқори даражада сақланганлиги ва тўпланганлиги билан белгиланадиган қўшни минтақаларга нисбатан аҳамиятлиги. Бунда қуйидагилар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • биологик хилма-хилликнинг ноёблиги; • табиий ва маданий мерос объектлари; • ижтимоий-иқтисодий қадриятлар; • рекреацион фаолиятни амалга ошириш учун шароитлар
<p>В 2. Манфаатдор томонлар <i>Манфаатдор томонларга баҳо берган ҳолда маълумот келтирилади.</i></p>
<p>В 3. Бошқариш самарадорлигини чегаралайдиган омиллар (таҳдидлар, муаммолар ва ҳоказо.) <i>Бошқариш режаси эътибор қаратиши лозим бўлган асосий омилларга баҳо берилди.</i></p> <p>Асосий омиллар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • уй-жой қурилиши ва тижоратнинг ривожланиши; • қишлоқ хўжалиги ва сув объектлари (аквакультура); • энергетика ва қазиб чиқариш саноати; • транспорт воситалари ва сервис йўлаклари; • биологик ресурслардан фойдаланиш; • янги аҳоли пунктларини бунёд қилиш; • бегона турлар ва генлар; • ифлосланиш; • табиий ҳодисалар; • бошқалар.
<p>В 4. Бошқариш салоҳиятини баҳолаш <i>Бошқарув идораларининг (ва ҳамкорларнинг) қимматбаҳо бойликларни муҳофаза қилиши ва таҳдидларни бартараф этиши чора-тадбирлари бўйича мавжуд салоҳиятига баҳо берилди.</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • молиявий маблағлар; • моддий ресурслар; • ходимлар/меҳнат ресурслари; • ходимларнинг индивидуал лаёқатлилиги; • раҳбарлик; • манфаатдор томонлар билан ҳамкорлик; • хабардорлик ва жамоатчилик кўмаги.
Г. МЭТҲни БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯСИ
<p>Г 1. Муҳофаза этиладиган ҳудуд учун узоқ муддатли вазифа <i>Муайян ҳудуднинг узоқ муддатли ўрни ва вазифаси, шу ҳудуднинг истиқболдаги асосий кўриниши тавсифланади.</i></p>
<p>Г 2. Зоналаштириш ва макон режаси <i>Ҳудудларни зоналаштириш, уларнинг ташкил этиши ҳолатини асословчи хариталар тайёрланади. Фойдаланишининг аниқ тартиби билан муҳофаза режими тавсифланади.</i></p>

Г 3. Бошқариш дастурлари

Бошқариш дастурлари келтирилади.

Ҳар бир дастурларга қуйидагилар кирази:

- стратегияси;
- асосланиши ва сиёсати;
- дастурости дастурлар;
- ҳар бир дастурости дастур учун стратегик мақсад.

Д. ТЕЗКОР РЕЖА

Ҳар бир дастурости дастур учун стандарт шаклда беш йиллик муддатга тузилган батафсил бажариш режаси келтирилади.

Дастур ва вазифа													
Дастурости дастури ва мақсад													
ҳара кат-лар	кўр-сат кич	усту-вор-лиги	Н1	Н2	Н3	Н4	Н5	Н6	Н7	Н8	Н9	Н10	Бажарилиш бўйича масъуллар

Бажарилиши бўйича тадбирлар (ташкилий, табиат муҳофазаси, техникавий ва бошқалар).

Д 1. Бошқариш

Қуйидаги бўлимлар тавсифланади:

- бошқариш тизими;
- бошқариш жадвали;
- иштирок этиш режаси;
- тарқатилиши ва алоқа воситалари.

Д 2. Ресурслар режаси

Ушбу бўлимда қуйидаги таърифлар тавсифланади:

Д 2.1. Меҳнат ресурслари (кадрлар)

- ташкилий тузилма;
- ходимларга қўйиладиган талаблар ва лавозимлар тавсифи;
- ходимлар танлаш сиёсати;
- ўқитиш эҳтиёжлари.

Д 2.2. Асбоб-ускуналар ва инфратузилма

- асбоб-ускуна ва инфратузилмага бўлган эҳтиёжлар;
- таъминот режаси.

Д 2.3. Молиялар

- режани бажариш учун бюджет;
- молиялаш режаси.

Д 3. Назорат ва ҳисобот

- биологик мониторинг ва ҳисобот;
- ижтимоий-иқтисодий назорат ва ҳисобот;
- идора устидан назорат (ҳисобот даври ва бошқариш самарадорлиги).

<p>Д 4. Режалаштириш даври</p> <ul style="list-style-type: none"> • йиллик иш режаси учун формат; • расмий текшириш усуллари; • режанинг мослашув жараёни; • янги режа тайёрлаш. 				
<p>_____ йил учун ҳаракатларнинг йиллик РЕЖАСИ</p>				
Тадбирлар	Амалга оширилиш жойи Бажарувчилар Ф.И.О. ва лавозими	Жавобгар шахс Ф.И.О. ва лавозими	Ҳаракатлар / вазифалар	Муддатлар
1.				
1.1.				
2.				
2.1.				
<p>Е. ИЛОВАЛАР</p> <p>Аксарият ҳолларда алоҳида ҳужжат сифатида эълон қилинади.</p>				
<p>Е 1. Қўшимча маълумотлар</p> <p><i>Ушбу бўлимга хариталар, жадваллар, батафсил ёрдамчи маълумот, расмий ҳужжатларнинг нусхалари ва ҳоказо киритилади:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • асос манбалар ва библиография; • бошқариш режасини ишлаб чиқишда биргаликдаги ҳаракатлар; • расмий ҳужжатлар; • хариталар ва схемалар (изоҳлари билан); • турлар рўйхатлари (шу жумладан ТМХИ ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган турлар, эндемик турлар). 				
<p>Е 2. Техник иловалар</p> <p><i>Лойиҳа тадбирларини бажариш бўйича қўшимча техник маълумот илова қилинади.</i></p> <p>Мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • назорат қилишнинг батафсил режаси; • лойиҳалаш учун техник меъёрлар; • яйловларнинг ҳолати ва карталар; • ташриф қилувчилар марказининг иш режаси. 				